

«КЕЛИШИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг биринчи  
ўринбосари

О.М.Умаров



2017 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси  
раиси

Б.А.Бегалов



2017 й.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш  
ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг меъёрий қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қарорлари ва тавсияларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Давлат статистика қўмитаси тизимида, Бошқарма фаолияти ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш, давлат статистика органлари фаолиятида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат интерактив хизматлар фаолиятини ривожлантириш, дастурий таъминот ва махсулотлар билан таъминлашга йўналтирилган.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси раисининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўринбосарига бўйсунди.

## **2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) ахборот-технологияларни ривожлантириш соҳасида:*

Давлат статистика қўмитасининг ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришда ягона технологик сиёсатни аниқлаш;

дастурий комплекслар ва технологик платформаларга алоқадор ички стандартларни аниқлаш;

идоралараро ахборот алмашинуви механизими ва регламентини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ҳар чоракда ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларнинг электрон шаклда, белгиланган муддатларда ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.

*б) интерактив давлат хизматлари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш соҳасида:*

Давлат статистика қўмитаси тизимидаги интерактив давлат хизматларини ривожлантиришга қаратилган аҳамиятли йўналишларни аниқлаш;

Давлат статистика қўмитаси кўрсатаётган интерактив давлат хизматлари сифатини ошириш ва келажакдаги ривожланишини таъминлаш;

ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Давлат статистика қўмитасининг интернет-ресурсларини ишлашини ва ривожланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сўрови бўйича электрон давлат хизматларини автоматлаштирилган тарзда тақдим этиш учун тегишли веб-сервислар ишлаб чиқилишини ва кузатиб борилишини амалга ошириш;

Қўмита марказий аппаратининг ва уларнинг ташкилий тузилмасига кирадиган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматлари, шунингдек, фойдаланиладиган шакллар ва бланкаларни, кейинчалик Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрига киритган ҳолда, хатловдан ўтказиш ва регламентлаш ишларини ташкиллаштириш;

хатлов натижаларига кўра давлат хизматлари кўрсатиш учун талаб қилинадиган идоравий маълумотлар базаларини яратиш ва шакллантириш чора-тадбирлари режаларини ҳамда тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини ташкиллаштириш;

Қўмита ўз расмий веб-сайтида ва Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида эълон қилинадиган очик маълумотлар тўпламларини ўз вақтида янгиланишини таъминлаш;

доимий равишда расмий веб-сайтни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга мувофиқлаштириб бориш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши ва ривожлантирилиши самарадорлигини оширишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

Бошқарма ва тегишли бўлинма электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари сифатли амалга оширилиши доимий асосида қатъий назорат қилинишини таъминлаш.

*в) статистик ишларни дастурлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида:*

функционал статистик масалаларни ечишини таъминловчи ихтисослаштирилган дастурларни жорий этиш, қўллаб – қувватлаш ва ривожлантиришга оид ишларни ташкиллаштириш;

замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, статистик маълумотларни сифатини ошириш, маълумотларни қайта ишлаш, узатиш ва таҳлил қилиш жараёнларини соддалаштириш ва тезлаштириш;

статистик материалларни ишлаб чиқишнинг автоматлаштирилган комплексини яратиш бўйича лойиҳа ишларида иштирок этиш.

*г) электрон маълумотлар базаси архивини сақлаш соҳасида:*

«Ўзархив» Агентлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ статистика органлари фаолиятида шакллантирилган электрон маълумотлар базаларининг идоравий архивини юритиш бўйича ишларни ташкил этиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи электрон маълумотлар базаси архивини сақлашни такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

электрон маълумотлар базаси архивини сақлаш тизими фойдаланувчиларига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш.

7. Бошқармага юклатилган ишларни бажаришда қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ахборот-коммуникацияларни жорий этиш ва ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар ишлаб чиқади;

Давлат статистика қўмитасининг ахборот технологиялари доирасида ягона технологик сиёсатни ташкиллаштиради;

Давлат статистика органларида янги ахборот технологияларини жорий этишни мувофиқлаштиради ва ишлашини таъминлайди;

Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтини ва бошқа интернет-ресурсларни юритиш ва техник қўллаб қувватлашни амалга оширади;

Бошқарма ваколатлари доирасида давлат дастурлари ва ахборотлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва амалга оширишда иштирок этади;

интерактив давлат хизматларини, ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини ҳамда функционал статистик масалаларни ечишни таъминловчи ихтисослаштирилган дастурларни жорий этиш, қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришда иштирок этади;

электрон маълумотлар базасини архивини сақлашни таъминловчи тизимларни назорат қилашни амалга оширади;

худудий статистика органларига ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича услубий ва консултив ёрдам кўрсатади;

ваколатли таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда худудий статистика бошқармалари мутахассисларини замонавий ахборот технологияларини статистик амалиётда қўллаш доирасида малакаларини ошириш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро фаолият юритишни амалга оширади;

Давлат статистика органларида ахборот ресурслари, маълумотлар базаси, ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди.

Бошқармага юкланган бошқа функцияларни ўрнатилган тартибда амалга оширади.

### **3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш давомида белгиланган тартибда Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг бошқа бўлинмалардан ва худудий статистика органларидан маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига давлат статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

Давлат статистика органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Бошқарма ваколатига кирувчи ишларни бажариш бўйича мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси бўлинмалари билан инструкторив мажлислар ўтказиш;

Бошқарма фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича конференция ишларида, шу жумладан халқаро семинар ва мажлисларда, шунингдек халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

9. Бошқарманинг жавобгарлиги:

Ўзига юклатилган вазифаларни ҳаққоний тарзда ва самарали амалга ошириш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа маълумотларни юқори даражада таёрлаш;

Бошқармага тақдим этилган лойиҳалар ҳужжатларини, тақлиф ва саволларини сифатли бажаришни ташкил қилиш;

Бошқарма ходимлари томонидан белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш;

Бошқармага келиб тушган ва чиқаётган материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларининг сақланиши, яқка тартибдаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун жавобгар бўлади.

#### **4-боб. Бошқарма тузилмаси**

10. Бошқарма тузилмаси бошқарма бошлиғини ўз ичига олади, шунингдек:

Ахборот ресурсларини юритиш ва интерактив давлат хизматлари бўлими;

Статистик вазифаларни дастурлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш бўлими;

Электрон маълумотлар базасини архив сақлови бўлими.

Бўлимлар таркибига: бўлим бошлиқлари ва унинг ўринбосарлари, бош мутахассис, муҳандис-дастурчи, маълумотлар базаси мутахассиси қиради.

11. Бошқарманинг ишларида Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бошқарма бошлиғи, бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислар Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бошқарма бошлиғи лавозимига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда тайинланади.

14. Ахборот ресурсларини юритиш ва интерактив давлат хизматлари бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика қўмитасида ахборот ресурсларини ва интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантиришда ягона технологик сиёсатни юритиш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришда ўзининг ваколатига кирувчи меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни ишлаб чиқиш;

Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларини келгусида янада ривожланишини ва сифатли тақдим этилишини таъминлаш;

худудий бошқармаларга ахборот ресурсларини жорий этиш масаласида методик ва консультатив ёрдам кўрсатиш;

Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтини ва бошқа интернет-ресурсларини юритиш ва техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириш;

ахборот ресурсларини, ахборот тизимларини ва интерактив давлат хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

15. Статистик вазифаларни дастурлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

функционал статистик масалаларни ечишни таъминловчи ихтисослаштирилган дастурларни жорий этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

маълумотларни қайта ишлаш, жўнатиш ва таҳлил қилиш жараёнларини содалаштирувчи ва тезлаштирувчи, статистик маълумотларни сифатини оширувчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

статистик материалларни ишлаб чиқишнинг автоматлаштирилган комплексини яратиш бўйича лойиҳа ишларида иштирок этиш;

ахборот ресурсларини, ахборот тизимларини ва интерактив давлат хизматларини яратиш ва жорий этиш.

16. Электрон маълумотлар базасини архив сақлови бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

«Ўзархив» Агентлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ статистика органлари фаолиятида шакллантирилган электрон маълумотлар базаларининг идоравий архивини юритиш бўйича ишларни ташкил этиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи электрон маълумотлар базасини архивини сақлашнинг такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш;

электрон маълумотлар базасини архивда сақлаш тизими фойдаланувчиларига сифатли хизмат кўрсатиш.

#### **5-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

17. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги қарорлари ва тавсияларига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунга амал қилади.

Бошқарманинг иш режаси Давлат статистика кўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика кўмитасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Бошқарма таркибига кирувчи ходимларнинг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи томонидан таёрланиб Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

#### **18. Бошқарма бошлиғи:**

Бошқарманинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, бошқарма таркибига кирувчи бўлимлар бошлиқларининг ишларини ташкиллаштиради, бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма ходимлар жадвали ва тасдиқланган тузилмага мувофиқ номзодларни малака даражасини ошириш, касбий фаолиятини ошириш, имтиёзлар ва уларни интизомий жазолаш чора тадбирларини аниқлик ва диққат билан ўрганиб чиққан ҳолда раҳбариятга кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Бошқарма иш режа лойиҳасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Раис ўринбосарига тақдим этади;

Бошқарма ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Давлат статистика қўмитаси мажлислари ва йиғилишларида, шунингдек Давлат статистика раҳбарияти топшириғига асосан бошқарув фаолиятига кирувчи ва идоралараро ишчи гуруҳлар масалаларида иштирок этади;

Давлат статистика қўмитаси Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қўйилган устувор вазифаларни ечишда янада самарали таклифларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашни амалга оширади;

ахборот-коммуникация технологияларини ва интерактив давлат хизматларини ривожлантиришда, бўлинма раҳбарлари ҳамда мутахассисларга консультатив ва услубий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика қўмитасининг ва Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бошқарма ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма кадрлар заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бошқарма ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказди;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

19. Бошқарма бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини ўз фаолиятига қирадиган масалалар бўйича бошқарма таркибига кирувчи тегишли бўлим бошлиқлари бажаради;

#### **20. Бўлим бошлиғи:**

бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва улар ишини бошқариш, бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширилишига шахсан жавоб беради;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим ходимларига юклатилган функционал мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этади;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илғор хорижий тажрибани қўллаш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;



бўлимга юклатилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуги ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бошқарманинг ўзи бошчилик қиладиган бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Давлат статистика қўмитаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **21. Статистик ҳисоботларни дастурлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари:**

бўлим ходимларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини оширади, бўлимнинг ҳар бир ходими ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича масъулиятини ошириди;

статистик ҳисобларни ечувчи амалдаги мавжуд ва янги ишлаб чиқилган дастурларни техник қўллаб-қувватлашни таъминлайди;

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларига бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича консултатив ёрдам беради;

ҳудудий статистика органлари фаолиятининг комплекс ва мақсадли ўрганишда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;



вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**22. Ахборот ресурсларини юритиш ва интерактив давлат хизматлари бўлими бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Давлат статистика қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун устувор йўналишлар, бу соҳанинг ривожланиши ва замонавий халқаро тенденциялар бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

дастурий комплекслар ва технологик платформалар учун ички стандартларини ва талабларини, идоралараро ахборот алмашинуви учун регламент ва механизмларини ишлаб чиқишни амалга оширишда иштирок этади;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Қўмита марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларига бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича маслаҳатли ёрдам бериш;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**23. Бўлимнинг етакчи муҳандис-дастурчи, 1- тоифали муҳандис-дастурчиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Техник топшириқлар ва регламентларга мувофиқ интернет-ресурс, маълумотлар базасини ҳамда дастурий таъминотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва жорий этишни амалга оширади;

ишлаб чиқилган маълумотлар базасини, дастурий таъминот ва интернет-ресурсларини ишлатиш жараёнида фойдаланувчиларни умумий ва техник қўллаб-қувватлайди;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;  
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**24. Маълумотлар базаси етакчи дастурчиси, маълумотлар базаси 1-тоифали дастурчиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Техник топшириқлар ва регламентларга мувофиқ маълумотлар базасини ҳамда дастурий таъминотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва жорий этишни амалга оширади;

ишлаб чиқилган маълумотлар базасини, дастурий таъминот ишлатиш жараёнида фойдаланувчиларни умумий ва техник қўллаб-қувватлайди;

худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.